

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ тарихи” кафедраси

Ф.А.Муҳитдинова

**1-МАВЗУ : “ҲИДОЯ”- ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, ТИЗИМИ ВА
АҲАМИЯТИ**

Маъруза матни

Тошкент 2010

РЕЖА:

1. “Ҳидоя ” тарихий-ҳуқуқий манба сифатида.
2. “Ҳидоя”нинг предмети ва ўрганиш усуллари
3. “Ҳидоя» асарининг мақсади ва вазифалари.
4. “Ҳидоя» асарининг илмий-назарий, амалий ва тарбиявий аҳамияти. Мустақил Ўзбекистон ва давлати ҳуқуқини шаклланишида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, жамиятни эркинлаштириш, суд ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда ““Ҳидоя» асарининг роли.
5. “Ҳидоя» асарининг ҳуқуқшунослик фанлари тизимидаги ўрни. “Ҳидоя» асарини ўрганиш усуллари ва ўқитишнинг аҳамияти.



Ҳидоя” асари ва ислом ҳуқуқи

Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик "ал-Ҳидоя" китоби суннийлик оқимида ҳанафий мазҳаби бўйича бир муҳим ва мукамал ҳуқуқий кодекс сифатида 57 та китоб китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади.

Бурҳониддин Марғиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киргизмаганининг сабаби шундаки, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир мустақил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни **"ал-Фароиз"** деб атаган.

"Ҳидоя"нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, қул сақлаш муаммолари, ҳудуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳуқуқи) суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса, экинчилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўп мавзуларга бағишланган.

Обрў ва эътиборсиз олимдан, катта фасод келиб чиқади.

Ундан шам каттароқ фасод манбаи, обидлик ва зошидлик даъвосини қилган кишидур.

Ўз динлари бўйича уларга эришган дунё аҳлига, улар буюк фитналарга сабаб бўлғусидурлар.

Шунингдек устоз менга бундай дегандилар:

Ҳеч қачон, илм ўрганиш ишида, узилиш юз бермаслиги керак, негаки бу, катта йўқотишга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида, шеч қачон узилишга ўрин қўймаганим сабабли, барча ўз сафдошларимдан ўзиб ўтдим.

«Фикҳ» тушунчаси ва унинг асосий соҳалари.

«Фикҳ» арабча сўз бўлиб луғатда фаҳм қилмоқ, яъни англамоқ ва тушунмоқ маъносида ишлатилади¹. «Фаҳм» сўзи ҳам англамоқни ифода этади, лекин бу икки сўз мутародиф (синоним) эмас, чунки фаҳм мутлоқ суратда яъни содда шаклда англамоқ ва «фикҳ» эса диққат билан чуқур англаб олиш, яъни бир нарсани ички мазмуни ва барча жузъиёти билан тушуниб олиш маъносида ишлатилади.

«Фақиҳ», яъни фикҳ олими бўлмоқ учун фақатгина шариат ҳукмларини соддача ва юзаки билиб олиб, уни ёд этиш етарли эмас, балки уларнинг барча сабаб ва ҳикматларини билмоқ ва шариат асосчисининг мақсадларини англамоқ зарур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шариат ҳукмларини содда услубда билган киши олим дейилса ҳам, фақиҳ дейилмайди. Фикҳшунос олимлар таъкидлашларича илм ва фикҳ орасида умум ва хусуси мутлақ бор, яъни илм умумий маънода ва фикҳ эса хос маънода ишлатилади, шу сабабли ҳар фақиҳ олим бўлади, аммо ҳар бир олим фақиҳ эмас дейилган.

«Фикҳ» атамасини биринчи бўлиб таърифлаган, яъни унинг истилоҳий маъносини ёритиб берган Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит бўлган эди. Унинг таърифи қуйидагидек «Маърифатуннафси молоҳо ва мо алайҳо», яъни фикҳ илми ҳар бир мукаллаф киши унинг фойдасига ва зарарига бўлган нарсалар ҳақидаги шариат ҳукмларини билиб олишдан иборатдир².

¹ Абулфазл Ибн Манзур. Лисонул-араб. 5- жилд.150-бет.

² Ислом фикҳ энциклопедияси. 1-жилд. 29-бет.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, баъзи бир оврўпаликлар ислом ҳуқуқи борасида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганликлари учун нотўғри фикрлар билдириб келганлар; Масалан, Р.Давид мусулмон ҳуқуқшуноси фақат қонунни шарҳлайди, янги норма ишлаб чиқишмайди, деган нотўғри хулосага боради³.

Лекин тадқиқотчиларнинг фикрича, ислом олимлари анбиёларнинг ворислари бўлганликлари учун ижтиҳод орқали қонун тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар пайғамбарлар сингари ҳуқуқий нормалар вазъ қилишга ҳақлидирлар⁴.

Шариат бир ҳуқуқий тизим эканлиги ҳаммага маълум. Лекин ундаги диний моҳиятни асосий ўринга қўйиш натижасида XIX асрга келиб Ғарб давлатлари қонунчилиги билан тўқнаш келинганда уларни қиёслаш ва шариатни улардан устунлигини кўрсатиш мақсадида баъзи фикрлар билдирилган бўлиб, кўпчилигида баъзи ҳақиқатлардан кўз юмилган. Масалан, жиноят қонунчилигини қиёсий ўрганган Абдулқодир Ўда ёзишича, шариат уч нуктаи назардан қонундан фарқланади:

Биринчидан, қонун инсон тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлса, шариат яратувчи томонидан юборилган. Қонун ҳар доим ўзгариб турса, шариат ўзгариш ва заволдан узоқдир.

Иккинчидан, қонун жамият томонидан унинг ҳаётини тартибга солиш ва эҳтиёжларини қондириш учун яратилган бир қатор қоидалар сифатида жамият ўзгариши билан ўзгариб туради. Лекин шаръий қонунлар умумий моҳиятга эга бўлгани учун ўзгаришни қабул қилмайди.

Учинчидан, қонун жамият томонидан унинг урф-одатлари, расму русумлари ва тарихига мувофиқ яратилади. Шунинг учун қонун жамиятдан кейин юзага келиб, унинг тараққиётига боғлиқ бўлади. Қонунни жамият яратади, жамиятни қонун эмас. Аммо ислом қонунчилиги жамият маҳсули бўлмай, жамиятни шариат яратади, яъни жамият шариатнинг маҳсулидир⁵.

Ўданинг ушбу хулосаси кенг мунозарали ва баҳсли масала ҳисобланади.

Муаллиф бир қатор қадриятлар, жумладан, қуйидагиларни ислом қонунчилигининг олий хусусиятлари сифатида қайд этади:

- Тенг ҳуқуқлилиқ назарияси;
- Эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- Ҳуррият назарияси;
- Эътиқод эркинлиги;
- Сўз эркинлиги;
- Шўро (кенгаш) назарияси;
- Талоқ (ажралиш) назарияси;
- Ичкиликни таъқиқлаш⁶.

³ Ўша асар, ўша жой.

⁴ Шаъроний А. Мезон. Ж.1. Б. 75.

⁵ Абдулқодир Ўда. «Ат-Ташриъул-жиноий ал-исломий муқоринан бил-қонунил-вазъий» (Шариатда жиноят қонунларини дунёвий қонунлар билан қиёсий ўрганиш). Ж.1. -Байрут: 1985. -Б.18-22.

⁶ Ўша асар. Б.25-46.

Муаллиф булардан ташқари муомалот, тижорат-савдо ва қарздорлик масалаларига тегишли бўлган бир неча хусусиятларни ҳам зикр этади.

Абдулқодир Ўда билдирган фикрларни ўрганиб, улар бўйича қуйидагича танқидий мулоҳазалар билдириш мумкин:

Дунёвий қонунлар билан ислом қонунчилигининг энг асосий фарқи шундан иборатки, шариатнинг иккита асосий манбаи бўлмиш Қуръон ва Сунна, илоҳий моҳиятга эга эканлигидир. Учинчи ва тўртинчи манбалар, яъни ижмо ва қиёс айтиб ўтилган илоҳий манбаларга асосланган бўлса ҳам, рационал (ақлий) манбалар ҳисобланади. Негаки ижмо, қиёс ва уларнинг турлари инсон тафаккурининг маҳсулидир.

Ўрта Осиё фақиҳлари томонидан ҳуқуқий соҳада эришилган кўп ютуқлар, масалан, бухоролик фақиҳлар томонидан ишлаб чиқилган «байъ бил-вафо» ҳам шаръий масалалар жумласида қабул қилинган.

Шунингдек, ислом қонунчилигининг пойдевори бўлмиш эътиқоднинг асосий масалаларидан ташқари суннийлар ва шиалар орасида, айниқса, имомлик ва халифалик (яъни ҳокимият) масалалари ва ҳуқуқий муаммолар бўйича кўп ва баъзан келишиб бўлмайдиган ихтилофлар мавжуд.

Суннийлик мазҳаблари орасида ҳам турли ҳуқуқий ва эътиқодий соҳаларда ихтилофлар борлиги ҳаммага маълум. Ҳатто баъзан бир мазҳабда раво бўлиб, иккинчи мазҳабда нораво бўлган масалаларга ҳам дуч келамиз.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, ислом қонунчилиги замонлар ўтиши оқибатида ижтимоий ва иқтисодий шароит ўзгариши билан ўз асосий қоидаларига таянган ҳолда ривожланиб келган ва ҳар доим замон талабларига мослашиш салоҳиятига эга бўлган.

Чунки, замон ўтиши билан жамият бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиб, инсонларнинг ўзаро муносабатлари ўзгариб туради ва бу эса янги замон талабларига биноан ислом ҳуқуқини тараққиёт томонга олға суради.

Пайғамбар ва саҳобалар замонидagi содда ҳаёт билан кейинроқ тасарруф қилинган ўлкалардаги кенг ва кўп қиррали маданий ҳаёт ўртасидаги тафовут бекиёсдир⁷.

Айтиб ўтилган ихтилофларга нималар сабаб бўлган, деган саволга келадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, шариат асосчиси умумий ҳукмларларни баён этгандан сўнг, жузъий масалалар, масалан шартномаларнинг шакл ва турлари ҳақида қисқача бўлса ҳам йўлланмалар бергани йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам бугун фикҳ китобларида олди-сотди шартномаларига доир минглаб масала мавжуд. Ҳолбуки, Қуръони каримда байъ (олди-сотди) ҳақида иккитадан ортиқ оят йўқ. Ҳадис китобларида ҳам ушбу мавзуга тегишли ҳадислар сони йигирмадан ошмайди⁸.

Ижара ҳақида ҳам Қуръони каримда фақат иккита оят бор ва ҳадислар сони бу борада 7-8 тадан ошмайди. Мазкур оят ва ҳадислар ҳам инсонлар ва ҳайвонлар ҳақида бўлиб, ақор (кўчмас мулк) - ерлар борасида на бир ҳадис ва на бир оят мавжуд.

⁷ Муҳаммад Юсуф Мусо. Ислом ҳуқуқи тарихи. -Қоҳира: 1954. -Б.30.

⁸ Саййидбек. Фикҳ усуллари сабоқлари. -Истанбул: Дорул-фунун матбааси, 1340 ҳ.й. -Б.12.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Муҳаммад (с.а.в.) инсонлараро амалга оширилиб турадиган муомалотга тегишли масалалар бўйича ислом қонунчилиги аҳкомини умумий шаклда белгилаб бериб, жузъиёт ва амалиётга оид ҳукмларни урф-одат, замон тақозоси ва ислом жамоасининг фаҳму идрокига топширганлар. Негаки инсонларнинг амалий ҳаёти муомалотга боғлиқ бўлиб, ҳар доим ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ўзгариши билан у ҳам ўзгариб туради. Шу сабабли исломнинг буюк фақиҳлари «Замон ўзгариши билан шариат ҳукмларининг ўзгариши инкор қилинмайди», деб таъкидлаган эдилар⁹.

Ислом қонунчилиги шу йўсинда ривожланиб бориб, турли элатлар ва халқлар амалий ҳаётидан олинган урф қонунларини исломий қоидаларга мослаштириб ўз таркибига киритди ва ҳижрий III аср – мужтаҳидлар даврининг сўнгги босқичига келиб мукаммаллашди. Шунингдек, Абу Ҳанифа мазҳабига биноан истехсон қоидаси, Молик ибн Анас мазҳабига биноан масолиҳи мурсала (манфаат қоидаси) ва улардан ташқари урф-одат, шариатнинг кўшимча манбалари сифатида қабул қилинди. Ўрта Осиё фақиҳлари томонидан яратилган асарларда минтақа халқларининг урф-одатлари, расм-русумларининг катта қисми қонунийлаштирилиб, шариат таркибига киритилди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абдулқодир Ўда ва у билан ҳамфикр бўлган олимлар томонидан шаръий ҳукмларнинг ўзгармас ва ривожланишдан узоқ бир тизим сифатида талқин қилиниши ислом руҳи ва фалсафасига мос келмайди. Шунингдек, Ўда томонидан фақат ислом қонунчилигига хос деб кўрсатилган бир қатор қадриятларнинг кўп қисмини (биз улардан саккизтасини кўрсатиб ўтдик) дунёвий қонунлар ва Ғарб ҳуқуқий тизимларида ҳам кенг кўламда кўриш мумкин. Уларни фақат ислом қонунчилигига хос деб бўлмайди.

Ҳидоя – ислом ҳуқуқининг йирик манбаи.

"Илмул-Хилоф" фанига биринчи бўлиб асос солган аллома Убайдулло ад-Дабусий¹⁰ эди. Бурҳонуддин Марғиноний "Ҳидоя"да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат 4 та асосий мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофий ва ҳанбалӣ мазҳаблари) гагина эмас, балки зоҳирӣ ва Авзоӣ мазҳабларига доир фикру мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан "Ҳидоя" "Илмул Хилоф»ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда уни охириги даврда янги бир фан сифатида юзага келган "қиёсий ҳуқуқ" нинг ўзига хос бир шакли деб эътибор бериш мумкин.

Марғиноний фикҳӣ нуқтаи назардан, ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машрўъ (раво қонунӣ) ёки номашрўъ (нораво, ғайриқонунӣ) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан «Ҳидоя» ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва

⁹ Ўша асар, ўша бет.

¹⁰ Ушбу китобнинг учинчи =исмида Абу Зайд Дабусийга =аралсин.

кейинги даврларда кенг ривожланган «хуқук фалсафаси» фанининг манбаларидан бири деб қабул қилсак, тўғри хулоса чиқарган бўламиз.

Шофий мазҳабининг баъзи бир намоёндалари, “Ҳидоя” муаллифини, баъзи бир эътиборга эга бўлмаган ҳадислардан фойдаланган деб танқид қилганлар. Лекин тадқиқотчилар, жумладан Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий, «бундай ёндашувларга, Марғинонийнинг юксак мақоми ва буюк олимлигидан хабарсизлиик сабаб бўлган» деб таъкидлаган. Шайх Муҳйиддин Абдулқодир (вафоти 775 ҳ.й.) ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрий, “Ҳидоя” китобида келтирилган ҳадисларни таҳрир қилиб (ҳадислар матни тўғри эканлиги ва ровийларининг ишонарли эканлигини исботлаб бериб) уни “ал-Иноя би- маърифати аҳодийсил-Ҳидоя” деб атаган. Шунингдек шайх Алоуддин “ал-Кифоя фи маърифати аҳодисил-Ҳидоя” номли китобида, шайх Жамолуддин Абдулло ибн Юсуф Зайлабий “Насбурраъя ли аҳодийсил-ҳидоя” номли китобида мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлигини кўрсатиб берганлар. Охири асарни ибн Ҳажар Асқалоний қисқартириб “ад-дироя фи мунтахаби аҳодисил-Ҳидоя” деб атаган¹¹.

“Ҳидоя” асари ва ислом ҳуқуқи

Абу Ҳанифа асос солган мазҳаб саккизинчи аср ўрталарида унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, шу асрнинг охирида узоқ-яқин ўлкалар жумладан Мовароуннаҳрга етиб келган эди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг мумтоз шогирдларидан бири бўлмиш Абуҳафс Аҳмад ибн Ҳафс-ал-Кабийр ал - Бухорий (в. 832 й) биринчи бўлиб IX аср бошларида ушбу мазҳаб таълимотининг ҳақакий ташувчиси сифатида ўз ватанига қайтиб келиб, Бухоро шаҳрини Ҳанафийликнинг муҳим марказларидан бирига айлантирди. Унинг тарбияси остида бир гуруҳ фақиҳлар жумладан ўз даврида Ҳанафий мазҳабининг шайхи ва салоҳиятли вакили бўлган унинг ўғли Абуҳафс Сағийр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абуҳафс юксак даражали фақиҳ мартабасига етганди.

Абуҳафс Кабийрнинг замондоши ҳадис илмининг буюк имоми Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (в. 256 ҳ-870й) "ал-Жомий ас-саҳиҳ" китоби ва "Фикҳул-Бухорий" деб аталган ўзига хос фикҳий йўналиши билан ушбу фан ривожига катта ҳисса қўшган эди.

Бухоролик фақиҳлар ўша даврдан бошлаб ҳам усулул-фикҳ ва ҳам фуруъул-фикҳ бўйича муҳим ва эътиборга лойиқ асарлар ёзиб келдилар. Ибн Халдун "ал-Муқаддима"да таъкидлашича Абузайд Дабусий ушбу мавзуда ёзган китоб энг муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Шунингдек кейинроқ Садруш-шариа иккинчи Убайдулло ибн Масъуд ёзган «ат-Танқийҳ» номли китоб ва унинг устидан ёзган «ат- Тавзийҳ» номли шарҳи катта эътибор ва илмий аҳамият касб этиб келган¹².

¹¹ Ал-Ҳидоя муқаддимаси, 3 бет

¹² Кенг маълумот учун қара: Котиб Чалабий, Кашфуззунун.

IX асрдан бошлаб Ҳанафий, Шофиъий ва Ҳанбалӣ мазҳаблари Марказий Осиёда ўз нуфузини ўтказа бошлади. Хуросонда Ҳанбалӣ мазҳабининг йирик намояндаси шайхул-ислом Абдулло Ансорий (XI аср) эди.

Шофиъий мазҳабининг атоқли вакили, Ўрта Осиё бўйича шофиъийлар Имоми Тошкентлик Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший (291-365 ҳ.й.) эди. У ўз даврининг машҳур фақиҳ, муҳаддис, муфасссир, усулий (усулул-фикҳ бўйича олим), адиб ва шоири бўлиб, кўп асарлар ёзган. «Усулул-фикҳ» ва «Шарҳур-рисола» номли асарлари катта шухрат қозонган. Ибн Халликон таъкидлашича, ўша даврда Мовароуннаҳр ҳудудида унга тенг келадиган олим ва фақиҳ бўлмаган. Заркалий ёзишича у фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт бўйича ўз даврининг атоқли олими ҳисобланган¹³. Олим кўп сафарлардан кейин ўз шаҳри Тошкентга қайтиб келиб, шу ерда ҳаётдан кўз юмган. Унинг қабри Ҳастимом ёнида мавжуд бўлиб, мухлислар мазорига айланган.

Котиб Чалабий ёзишича, унинг ўғли шайх Имом Қосим ибн Муҳаммад ал-Қаффол аш-Шоший шофиъий мазҳабида энг муҳим, мукамал ва эътиборли китоблардан бири бўлмиш «ат-Такрийб фил-фуруъ» номли асарнинг муаллифи эди.

Ўша даврларда шофиъий мазҳаби, Хуросон, Туркистон ва Эронда катта эътибор қозонган эди. Ҳожа Низомул-мулк «Сиёсатнома»да таъкидлашича Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофиъий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Салжукийларнинг машҳур вазирларидан бири Амидул-Мулк Абу-Наср ал-Кундурий Ҳанафий мазҳаб ва яна бири «Сиёсатнома» китобининг муаллифи Ҳожа Низомул-Мулк (1018-1092) шофиъий мазҳабидан эди.

Бухоро фақиҳлари томонидан усул ва фуруъ бўйича яратилган кенг қамровли асарлар, шунингдек калом илми (усулуд-дин) соҳасида ёзилган бир қатор китоблар (масалан Нуруддин Собунӣ асарлари) шундан далолат берадики ҳанафий фикҳ мактаби ривожига улар илғор ўринда туриб, Бухорони Мовароуннаҳрнинг атоқли фақиҳлари фаолият марказига айлантириб келганлар.

IX-X асрларнинг мураккаб ижтимоий сиёсий шароитида Самарқандда калом илмидан ташқари усулул-фикҳ соҳасида ҳам илмий аҳамиятга эга бўлган кўп асарлар яратилди. Абу Мансур Мотуридийнинг "Маъхазуш-шаръ" ёки «Маозуш-шаръ» ва "Китобул-жадал" номли асарлари котиб Чалабий ва бошқа олимлар гувоҳлигида усул бўйича ёзилган энг пухта ва қимматли асарлар ўрнида туради.

Алоуддин Самарқандий ёзган "Тухфатул-фуқаҳо", Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ёзган унинг шарҳи, шунингдек Баздавийлар, Абуллайс Самарқандий (в. 552 ҳ) асарлари ва бошқалар, фуруъул-фикҳ бўйича эришилган муваффақиятлардан ҳисобланади.

Насафийлар калом илми бўйича Мотуридий мактаби давомчиси сифатида ушбу мактаб таълимотини тиклаб, ривожлантириб келдилар ва фурул-фикҳ

¹³ Хайруддин Заркалий, ал-Аълом, 3-жилд, 944 бет, Қоҳира, 1954.

бўйича улар ва Фарғона фақиҳлари жуда кўп қимматли асарлар ёзиб қолдирдилар.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Фикҳнинг қандай соҳалари бор ва уларга тавсиф беринг.
2. “Ҳидоя” асари ўша даврда ёзилган асарлардан қайси асосий жиҳати билан фарқ қилади?
3. Араб давлатлари ва мамлакатимиздаги фикҳ мактаблари ҳақида қандай маълумотга эгасиз. Уларни таққосланг.
4. “Ҳидоя” да инсон ҳуқуқлари қай даражада муҳофаза қилинган?
5. Шарқ ва Ғарб қонунчилигида инсон ҳуқуқларига доир меъёрларни топинг ва таққосланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бурхонуддин Марғинович. “Ҳидоя”.Т.-Адолат.2002.
2. С.Исҳоқов. Бурхонуддин Марғинович ва фикҳ илми. Т.2002.
3. Жўзжоний А.Ш. Бурхонуддин Марғиновичнинг издошлари. Т.
4. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
5. Раҳманов А., Раҳманов А. Ислом ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007.
6. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. -Т.: «Академия МВД», 1994.
7. Қориев О. Ал-Марғинович-машҳур фикҳшунос. Тошкент: “ А.Қодирий номидаги мерос нашриёти”, 2000.
8. Ф.Муҳитдинова. “Ҳидоя”. Маруза матни. Тошкент давлат юридик институти, 2010

Қўшимча адабиётлар

1. Марғинович Бурхониддин. Ҳидоя. / Масъул муҳаррирлар Саидов А., Нуриддинов М. -Т.: «Адолат», 2000. -848 б.
2. Жўзжоний А.Ш. Бурхонуддин Марғинович “ал-Ҳидоя” // Жамъат ва бошқарув. 1998, №1.
3. Жўзжоний А.Ш. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари // Ҳаёт ва қонун, 1997, №7.
4. Жўзжоний А.Ш Мусулмон ҳуқуқида халифалик ва имомлик муаммолари // Мулоқот, 1996, №2.
5. Жўзжоний А.Ш Бухоролик фақиҳлар оиласи // Ҳаёт ва қонун,1994. №3.
6. Жўзжоний А.Ш Мовароуннаҳр фикҳ мактаби анъаналари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994, №8.
7. Халлоф А. Усул ул фикҳ (Ислом қонуншунослиги асослари) И-ИИ қисм. - Т.: “Адолат”, 1997.
8. Халлоф А. Усул ул фикҳ (Ислом қонуншунослиги асослари) ИИИ-ИВ қисм. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 1999.